



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 28 апрель №87 (3362)

Чоршанба

«Олоттекс» жаҳонга юз тутмоқда

Расмий маълумотларга қараганда, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида пахта толаси умумий экспорт ҳажми 50 фоиздан кўпроқни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 20 фоиздан ортмайди.



Табиийки, бунга республика-мизда кейинги ўн йилликда бунёд этилган ва самарали фаолият кўрсатаётган тўқимачилик корхоналари тўғрисида эришилди.

Ўзбекистон-Швейцария «Олоттекс» қўшма корхонаси ўтган йилнинг 7 июлида иш бошлаган эди. Шуниси эътиборлики, 380 нафар ишчи меҳнат қилаётган жамоа 9 ой давомида 2 минг 900 тонна калава ип, 6 миллион нагонометр хомбўз ишлаб чиқаришга эришди. Қўшма корхонанинг устувор режаси экспорт ҳажмини янада оширишидир.

СУРАТЛАРДА: (чапдан)

«Олоттекс»нинг моҳир тўқувчилари Фозила Раҳимова, Хурсия Ҳўжамқулова ва Сарвиноз Ҳасанова касб сирлари ҳусусида суҳбатлашаётипти; хомбўз пехининг тўқувчиси Матлуба Туропова иш устида.

Нурмамет АЛИМУРДОВ олган суратлар.



Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг XIV сессияси олдидан

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ САРИ

Борис БУГРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Раисининг ўринбосари.

Эртага, 29 апрель кунини ўз ишيني бошлайдиган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси март ойининг охиригича кунилари Тошкент шаҳрида, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан мамлакатимизда юзага келган бир мунча мураккаброқ ижтимоий-сиёсий вазиятда ўтади. Давлатимиз бошлиғи бир неча бор оголантирган барқарорлик ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид яна ҳаётимизнинг аччиқ воқелигига айланади.

Халқимизга қарши қаратилган шафқатсиз, ғайриинсоний жиноятлар, беғуноҳ фуқароларимизнинг ҳаётига зомин бўлган жirkanч ғузулик қалбларимизни ларзага солиб, чуқур ташвиш ва ғазаб уйғотди. Олий Мажлис депутатлари бу фожиали воқеаларга сессияда ўз муносабатларини билдириб, тегишли қарор қабул қилсалар керак. Бугунги кунга келиб шу нарса равшан бўлиб қолдики, мамлакатимиздаги террорчилик ҳаракатлари сохта диний ғоялар гангитган, хоржид махсус мафкураравий ва жанговар тайёргарликни ўтаган, яхши қуролланган разил қиссалар томонидан содир этилди. Уларнинг ортида эса, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг мустақиллигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини, Ўзбекистон эришган ютуқларини кўра олмаётган галамислар турибди. Бадкирдорларнинг палид нияти жамиятимиздаги тинчлик ва оқилолликка раҳна солиш, одамларнинг юрагига кўркув ва ғулуғула уйғотиш, мамлакат раҳбариятининг демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларини янада чуқурлаштириш, халқимиз турмушини яхшилаш юзасидан ўтказиб берилган сиёсатига бўлган ишончга пугур етказишидир.

Ватанимиз учун ана шу оғир кунларда Президент И.А.Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбарияти теваригига янада қаттиқроқ жипслашишимиз, турмушимизнинг барча соҳаларида ислохотларни кучайтиришга, адолатли демократик жамият барпо этишга қаратилган йўлни сўзимиз билан ҳам, ишимиз билан ҳам қўллаб-қувватламоғимиз лозим.

(Давоми 2-бетда).

Парламент қўмиталарида

Кеча Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси масаласи муҳокама этилди. Бу ҳақда республика молия вазири М. Нурмуродовнинг ахбороти тингланди.

Таъкидландики, ўтган йил бюджет харажатлари асосан, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришни молиялаштиришга, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, иқтисодийнинг устувор тармоқларини юксалтиришга ҳамда мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Йиғилишда, шунингдек, парламентнинг XIV сессияси муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган масалалар, хусусан, «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни ошқорлаштиришга (легаллаштиришга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда) қўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 29 апрель кунини эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 апрель кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 29 апрель кунини соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сийсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 28 апрель кунини соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи йиғилишлари ўтказилади.

Муҳтарам муштарийлар!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом тайёзганини эслатган ҳолда тахририят Сизнинг маънафатларингизни назарда тутиб янги иштиёқни жорий этди. Иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилади! Обуна бўлишга ишонинг!

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарди.

Йиғилишда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда маҳалла имкониятларидан фойдаланишнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги аҳоли ҳамда ота-онаси қарамоғидан маҳрум болаларни аниқлаш ва вояга етмаганларнинг назоратсиз қолишининг олдини олиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадибобоевнинг ахбороти тингланди.

Таъкидландики, юртимизда 147 интернат муассасасида 31 минг на-

фар бола таълим-тарбия олмақда. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йилнинг ўзидагина республика бўйича бир минг 428 оилага ҳукуматимиз томонидан қарийб 14 миллиард сўмлик миқдорда нафақа тўланди. Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд учта махсус мактаб-интернат замонавий биноларга кўчирилди. Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйи ҳомийлар ёрдамида зарур анжомлар билан жиҳозланди.

Бухоро вилоятида ҳар ойда «Мактаблар кунини» ўтказилиши яхши анъана-

га айланган. Мунтазам ўтказиб келинаётган бундай тадбирлар таълим тизими моддий-техника таъминотини яхшилашга хизмат қилаётди. Мактабларга 3 миллиард сўм моддий ёрдам кўрсатилиб, ўқувчилар учун стипендиялар жорий этилган.

Хоразм вилоятида ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган қўлай шароитлар янада кенгайтирилмоқда. Жумладан, Хонка, Богот ва Хазорасп туманлари қишлоқларида спорт мажмуалари қурилиши ниҳоят-ламмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларини

муҳофаза қилишда маҳалла имкониятларидан фойдаланиш, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва вояга етмаганларнинг назоратсиз қолишининг олдини олиш борасидаги камчиликларни тезда бартараф этишга жиддий эътибор қаратилди.

Йиғилишда жойларда ҳукуматнинг 2002 йил 16 майда қабул қилинган «Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳам қўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Бекзод НОРБОВ,
УЗА мухбири.



Спорт

Хитойдан Афина йўлланмаси билан

Маълумки, шу йил ёзда навбатдаги олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Унда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун кураш қизгин паллага кирди.

Кунини кеча Хитойда ниҳоятга етган академик эшак эшиш бўйича Осиё чемпиони бахсларида вакилларимиз яна тўртта йўлланмани қўлга киритди. Академик эшак эшувчиларимиз Владимир Черненко, Руслан Наурзалиев, Сергей Богданов ва Елена Усарова энди Афина олимпиадасида юртимиз шарафини химоя қиладилар.

Шу кунга спортчиларимиз қўлга киритган йўлланмалар сони 40 тадан ошиб кетди.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Соғлом она ва бола — юрт таянчи

Республикаимизда оналик ва болалик муҳофазаси, уларнинг саломатлиги масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши беҳиз эмас. Зеро, фарзандлари соғлом, бақувват юрт қудратли бўлиши аниқ.

Кунини кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Репродуктив саломатлиги маркази ҳамкорлигида бўлиб ўтган тадбирда ҳам бу фикрлар қайта-қайта таъкидланди.

Саломатлик институти, «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, халқаро «Zdrav/plus», UNFPA ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашган ушбу давра суҳбати юр-

тимиз аҳолисининг репродуктив саломатлигини яхшилашга қаратилди. — Она ва бола саломатлиги мустаҳкам оила асосидир. — деди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош қармаси бошлиғи Н. Туреева. — Оилада репродуктив саломатлигини таъминлаш учун эса тиббий маданиятни шакллантириш зарур.

Камола МИРЗААХМЕТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дўстлик масофа билмас

Тошкент Молия институтида АҚШнинг «ТЕХАС А&М» университети ва мазкур ўқув муассасаси ўртасидаги «Иқтисодий таълим сифатини техник ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва уларни халқаро стандартлар даражасига етказишни таъминлашга қаратилган ҳамкорлик Дастури»нинг бажарилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Ушбу дастур «АҚШнинг Маданият ва таълим давлат департаменти» ҳомийлигида амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунга қадар АҚШ давлат департаменти томонидан 400.000 АҚШ долларидан ортқ маблағ грант тарзида ажратилган. Лойиҳага «ТЕХАС А&М» университети «Халқаро бизнес маркази» директори, доктор Жулиан Гаспар ва Тошкент Молия институти ўқув ишлари бўйича проректори Алишер Ваҳобов раҳбарлик қилмоқда.

Тадбирда Жулиан Гаспар жаноблари билан бирга «ТЕХАС А&М» универ-

ситетининг халқаро муносабатлар бўйича проректори, доктор Эявин Прайс ўз маърузаси билан иштирок этди. Хоржлик меҳмонлар амалга оширилган ишларнинг натижаларидан мамнун эканликларини билдириб, ҳамкорлик бундан кейин ҳам давом этишини маълум қилдилар.

Маросим якунида доктор Эявин Прайсга Тошкент Молия институтининг «Фархрий профессори» унвони топширилди.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли адиб, халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулумнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бўйича «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланганлиги ҳамда уни тантанали топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Ёзувчининг қадри

Унда ёзувчи ва шоирлар, адибнинг оила аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Маросимни Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов очар экан, Президентимиз томонидан адабиётга катта эътибор қаратилаётганини, ижодкорлар меҳнати муносиб тақдирланаётганини ҳамда Ҳамид Ғулумнинг кўп йиллик самарали меҳнати, ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантиришдаги муносиб хизматлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги ҳусусида тўхталиб ўтди.

Сўнгра Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов адибга ана шу унвонни топширишда ҳамда устоз ёзувчининг ўзбек адабиётини юксалтиришдаги хизматлари ҳусусида фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Йиғилишда сўзга чиққан ижодкорлар Носир Фозилов ва Омон Мухторлар ҳам ёзувчининг ижодкорлик ва инсонийлик фаилатлари ҳақида гапирдилар.

Тадбир сўнгида Ҳамид Ғулум ўзининг камтарин меҳнатларининг шунчалик кадрлаётганлиги учун мамлакатимиз раҳбарига ўз миннатдорчилигини изҳор этди ҳамда янги-янги асарлари билан истиқлолга хизмат қилаверишини билдирди.

Уз мухбиримиз.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий Мажлис депутатлари кунун ижодкорлиги билан шуғулланиш асосида илгари қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг ижросини назорат қилишни ҳам унутмаётганлар. Амалдаги кунун ҳужжатларининг ҳаётий самардорлиги муаммоси биз учун ўз аҳамияти жиҳатидан долзарб қонуларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масалаларидан кам эмас.

Кунунларни вақтида қабул қилиш мумкин иш, айна чода ҳаётда уларга оғишмай риоя этишининг аҳамияти ҳам қатъан. Давлат ҳокимияти органлари билан мамлакатимиз фуқароларининг бирлигидаги ҳаракатлари билангина бу борада салмоқли натижаларга эришиш мумкин.

Ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жамият турмушининг барча соҳаларини либераллаштиришнинг мамлакатимиз Президентининг томонидан илгари сурилган стратегик дастури бир қанча янги қонуларни қабул қилишни ҳамда амалдаги баъзи қонуларни такомиллаштиришни тақозо этади. Хар бир ҳуқуқий ҳужжат жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишнинг самарали амалий механизмининг яратишга ҳамда ўтказилаётган ислохотларнинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган. Иккинчи қаққирқ ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига қандай қонун лойиҳалари киритилмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги масалани депутатлар биринчи қатори кўриб чиқадилар. Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати амалга оширилиши устидан назорат парламентининг ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган мумкин ваколатлари сирасига кирди. Мазкур масалани Олий Мажлисда дастлабки муҳокамаси шуни кўрсатдики, Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги кўрсаткичлари кунун чиқарувчилар томонидан белгиланган дорада турибди. Мувофиқлаштирилган пул-кредит, инвестиция сивасини ўтказиш, макроиқтисодий барқарорликни, ишлаб чиқариш изчил ривожланишини таъминлаш, халқимиз турмуш даражасини юксалтириш юзасидан Молия вазирлиги ҳукумат билан бирядалик қатъи ишларни амалга оширди.

Маълумки, мамлакатимизда маҳалларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашга қатъи эътибор бериб келинмоқда. Шу муносабат билан "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, у Олий Мажлис депутатлари муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилмоқда. Лойиҳада мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўтган йилги ўтказилган сайлов тажрибаси, биринчи ўқишда маъқулланган мазкур қонун ҳужжатининг кенг жамоатчилик муҳокамаси вақтида фуқаролардан тушган фикр-мулоҳазалар инобатга олинди.

Ҳужжатда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг асосий принциплари, фуқароларнинг мазкур сайловда иштирок этиш ҳуқуқи, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар кўрсатиш, шунингдек, сайлов билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш тартиби аниқ кўрсатилган.

"Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси илгор ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, мазкур тизимни ноқерак ҳисобдорлик ва қозғо ҳужжат айланишини қўққартириш асосида боққичма-боққич модернизация қилиш ва давлат томонидан боққартириш тизимни самардорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва боққарув органларининг, ҳўжалик йоритувчи субъектлар ва мамлакатимиз фуқароларининг хар хил турдаги ахборотларга бўлган ва тобора ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида электрон ҳужжатлар алмашувини таъминловчи маҳаллий, корпоратив, идораларо ахборот тармоқлари ва тизимларини шакллантириш жараёни бормоқда. Бизда шу кунгача электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишини ҳуқуқий базаси йўқ эди.

Булажак сессия муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши эса ҳужжат айланиши тизимини такомиллаштиришга, электрон ҳужжатлар алмашувининг тезкорлиги ва самардорлигини оширишга, қозғо жисмдаги ахборотлар улуши қисқариши ва қамайишига ёрдам беради. Қонун лойиҳасида электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий мақоми ва реқвизитлари белгилаб берилмоқда, унда электрон ҳужжатни ҳўнатиш

Мамакатимизда демократиянинг мўҳим институтларидан бири бўлиши сиёсий партияларнинг ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қатъи эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А.Каримов ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда уларнинг ролини ошириш зарурлигига бир неча бор эътиборни қаратган эди. Олий Мажлисининг булажак сессияси ҳўмига ҳавола этилган "Сийёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш нуқтаи назаридан анигина мўҳим ва долзарбдир.

Сийёсий партияларни молиялаштиришнинг пухта ва ишончли ҳуқуқий механизмининг яратишга қаратилган мазкур қонун лойиҳаси, шакл-шўбасиз, партияларни янада мустаҳкамлашга, уларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ролини йетишроқи қонунчиликнинг кенгайтиришга ёрдам беради. Лойиҳада шу масалани ҳал этишда бошқа бир қатор мамлакатларнинг тажрибаси, мустақил Ўзбекистонда кўппартиявий тизимни ривожлантиришнинг ҳўсуиятлари ино-

қиргин қуроли ва уни етказиб бериш воситаларини яратишда фойдаланилиши мумкин бўлган ҳомашё, материаллар, асбоб-ускуналар, шунингдек, товарлар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар қиради.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг ўттизга яқин қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг, шунингдек, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни муҳокама қилишни ҳам мўлжалламоқдалар. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари тасдиқланади, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркиблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартишлар киритилади. Олтига мўҳим ҳалқаро шартномани ратификация қилиш мўлжалланмоқда.

Олий Мажлис сессияси парламент ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди. Булажак сессия муҳокамасига киритилаётган барча ҳужжатларда сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатлари мўҳим топган бўлиб, бу ҳужжатлар давлатимиз қудратини мустаҳкамлашга, халқимиз ҳаётини яхшилашга қаратилганлиги боис, улар жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланади ҳамда фаол тарзда ҳаётга татбиқ этилади деб умид қиламиз.

Парламентнинг ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Кенгашининг қарори билан тузилган депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари сифатида шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, барча қўмига ва коммиссиялар, шунингдек, парламент Котибиятининг ходимлари сессиялар оралиғи даврида қизгин меҳнат қилдилар, натижада давлат аҳамиятига мўҳим мўҳим ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг салмоқли туркуми тайёрланди.

Депутатлар ишчи гуруҳи олдига мўҳим вазифа — парламентнинг бўлажак сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириб бориш ҳамда тезкорлик билан ҳал этиш вазифаси қўйилган эди. Шу боис, ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида вазибалар тақсимланаётганда парламент муҳокамасига киритилаётган ҳужжатларнинг лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли тайёрланишига, сессияга доир материал депутатларга барвақт етказилишини ташкил этишга, уларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини умумлаштиришга, парламент сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилишини, яъни мажлислар залида овоз бериш электрон тизими пухта ишлашини таъминлашга, сўзга чиқувчиларнинг нутқлари синхрон таржима қилинишини ташкил этишга, журналистлар акредитация қилишга, шунингдек, сессияга қатнаш депутатларга рисоладаги маъиший шарт-шароитлар яратилишига алоҳида эътибор бердик.

Ишчи гуруҳи аъзолари жорий масалаларни муҳокама этиш учун мунтазам равишда йиғилиб, сессияга тайёргарлик қўриш билан боғлиқ турли муаммолар юзасидан бошқа депутатлар билан маслаҳатлашиб турдилар. Хар бир депутатга барча тайёргарлик тадбирларида шахсан иштирок этиш, қонун лойиҳалари юзасидан ҳам, ташкилий-техникавий масалалар юзасидан ҳам тақлиф ва мулоҳазалар киритиш имконияти таъминланди. Натижада қонун лойиҳаларини, сессияга оид бошқа ҳужжатларни муҳокама этишда сиёсий партияларнинг депутат фракциялари, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларини фаолиги анигина ошди.

Тайёргарлик ишлари натижаларини яқунлаб шуни таъкидлаш жоизки, депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари ўртасида вазибалар пухта тақсимланганлиги, уларнинг юксак профессионали ва ишга маъсулият билан ёндашуви режалаштирилган барча тадбирлар белгиланган муддатларда, тўлиқ бажарилишини таъминлади. Иккинчи қаққирқ Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси муваффақиятли ўтиши ҳамда халқимизга мамлакатимизда адолатли демократик жамият барпо этишининг янги, янада пухтароқ ҳуқуқий қафолатларини бериши учун имкони бўлган барча ишларни қилдик.

Иккинчи қаққирқ Олий Мажлисининг XIV сессияси олдида

Парламент қўмиталарида

(Давоми. Боши 1-бетда).

бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳўсузда Молия вазирлиги вакилининг ахбороти тинланди.

Йиғилишда Олий Мажлисининг наватбадга сессияси кўн тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар бўйича қўмига таъминат ўринбосари О. Мўсурмонованинг ахбороти эшитилди. Депутатлар томонидан парламентнинг булажак XIV сессияси муҳокамасига киритилиши қўмига тўлилаётган масалалар маъқулланди. Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шу кўни Олий Мажлисининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлисининг XIV сессияси муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган масалалар билан қўмига раиси А. Тўрсунов депутатларни таништирди.

Булажак сессия кўн тартибига киритилиши қўмига тўлилаётган масалалар депутатлар томонидан маъқулланди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунининг Андидон виллоятда қандай ижро этилаётганлигига бағишланган масала ҳам муҳокама этилди.

Кеча Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитасининг сессиясида йиғилиши бўлиб ўтди. Дастлаб парламентнинг наватбадга ижросини кўн тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди ва маъқулланди. Сўнгра қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти ҳақидаги ахборот тинланди. Қўмига раиси Ўткир Хошимовнинг айтишича, шу давр ичда "Ахборот эркинлигининг" принциплари ва қафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг Самарқанд виллоятда ижроси депутатлар ишчи гуруҳи томонидан ўрганилган.

Виллоятда ушбу Қонун ва оммавий ахборот воситаларига оид бошқа қонунларни бажариш борасида талағина ишлар қилинган. Шу билан бирга, айрим туман газеталарининг моддий-техник базаси суст, муассислар уларни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Виллоятда малакали журналист кадрларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу муаммолар Самарқанд шаҳридаги "Ёшлар саройи"да ўтказилган минтақавий семинарда ҳам тилга олинган.

Қўмига йиғилишида депутатлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган қатор долзарб вазифалар ҳўсузда ҳам сўз йоритилди.

Партия фракцияларида

Кеча Ўзбекистон Фидоқорлар миллий демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракциясининг наватбадга йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур фракция раиси Аҳтам Тўрсунов олиб борди.

Унда Олий Мажлисининг эртага бошланажак XIV сессияси кўн тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги масалалар атрофида муҳокама қилиниб, бир овоздан маъқулланди.

Айни пайтда Ўзбекистон Фидоқорлар миллий демократик партиясининг парламентдаги фракциясининг 2003 йил декабрдан 2004 йил апрелгача бўлган фаолияти юзасидан ҳисоботи, фракция ҳўзурида тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳининг 2004 йил сентябргача амалга оширадиган тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Шу кўни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракциясининг наватбадга мажлиси бўлиб ўтди. Уни фракция раиси Изидор Қочмарик олиб борди.

Республика молия вазирини М. Нўрмуродов йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисида ахборот берди. Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исmoilов "Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида сўзлади. Олий Мажлисининг Иқтисодиётнинг ислох қилиш ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М. Умаралиевнинг қиққиши "Экспорт назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасига бағишланди.

Мажлисида бу ва парламентнинг XIV сессияси кўн тартибига киритиш учун тақлиф этилган бошқа масалалар юзасидан фикр апишилди. Қонун лойиҳалари бўйича тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Фракция мажлисида Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рўстамов сўзга чиқди.

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлисидаги депутатлар фракциясининг кеча бўлиб ўтган йиғилиши XIV сессия кўн тартибига қўйилаётган масалалар муҳокамасига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси тўғрисидаги молия вазирининг ўринбосари Маҳмуджон Абдурахмонов ахборот берди. Парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов эса "Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини яратиш борасида олиб борилган ишлар ҳўсузда сўз йоритди.

Фракция йиғилишида наватбадга анжуман кўн тартибига киритилаётган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди ва маъқулланди.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ САРИ

ва қабул қилиб олиш вақтига доир нормалар берилган. Мазкур ҳужжат унинг кенг жамоатчилик муҳокамаси вақтида билдирилган тақлифлар ва мулоҳазалар инобатга олиingan ҳолда жиддий ишланиб, маромига етилган.

Маълумотларни электрон йўл билан алмашув, шу жумладан, электрон почта ва Интернет асосидаги алмашув жадаллик билан ривожланиб бораётганлиги сабаб операцияларини амалга ошириш усулларини, ташқи савдо битимлари тузиш таомилларини тўдан ўзгартириб юборди. Биз савдо операциялари амалиётига электрон тижорат шиддат билан кириб бораётганлиги ва бундай тижорат кескин ривожланаётганлигига шўҳидимиз. Ҳўсусу, АҚШда тижорат битимларининг қарийб 20 фониз ахборот тизимлари, шу жумладан, Интернет орқали амалга оширилади. Европа Иттифоқи, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Россияда электрон савдо ҳажми ортиб бормоқда.

Булажак сессияда иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиган "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қабул қилингувдек бўлса, бизда электрон тижорат соҳасида фаолиятнинг ҳуқуқий асоси, Ўзбекистон Республикаси жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига янада жадалроқ интеграциялашувининг ҳуқуқий пойдевори юзага келади. Қонун лойиҳасида электрон тижорат иштирокчилари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати, электрон тижоратда шартнома тузиш тартиби ва шартлари белгилаб берилмоқда. Электрон тижоратдаги шартнома фақат электрон ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда тузилганига асосланиб ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас. Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга ишчи гуруҳи томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакиллари билан биргаликда тайёрланди, унда тушган тақлиф ва мулоҳазалар ҳам инобатга олинган.

"Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳўйма қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам парламентнинг олдинги сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган, умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган эди. Муҳокама асосида Олий Мажлис депутатлари, вазирликлар ва идоралар, ҳўқимликлардан, ҳуқуқшунос олимлардан 70 дан ортиқ тақлиф ва мулоҳаза тушди. Депутатлар, мутахассислар ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳи тушган ҳар бир тақлиф ва мулоҳазасини синчиқлаб кўриб чиқди. Қонун лойиҳасини ишлаб маромига етказиш натижасида Ўзбекистон Республикаси фойдаланадиган тимсол тўғрисида янги модда юзага келди. Олтига моддага салмоқли ўзгартишлар киритилди.

Парламент депутатлари муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган "Жинсий фаолиятдан олинган даромадларни ошқорлаштиришга (легаллаштиришга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ноқонуний даромадларни "халлоллаб олиш"га ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида махсус ҳўқуқий база яратишга, миллий қонун ҳужжатларини умум эътироф этилган халқаро стандартларга уйғунлаштиришга қаратилган. "Бу ҳўқуқий ҳўжжат иштирокида солиқлар, боққлар ва бошқа йиғимлар тушуми қўпайишига, умуман олганда мамлакат ҳавфсизлиги мустаҳкамланишига ёрдам беради. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда терроризмга қарши кескин кураш кетаётган ҳўзирги кунда айниқса долзарб бўлиб қолди. Молия маблаглари тушуми йўлларини, шу жумладан, хориждаги марказлардан тушум йўлларини бугунги бериқимтай туриб, терроризмни тағ-томири билан, батамом йўқ қилишга умид боғлаб бўлмайдим.

Ўзбекистоннинг жўрғофий-сийёсий ҳолати биздан икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган махсулотлар экспортини ҳамда транзитини назорат қилиш юзасидан муҳофаза чоралари қўришни талаб этади. Қолаверса, мамлакатимиз шу соҳада бир қанча халқаро шартномалар ва конвенцияларга қўшилган. Ана шуларнинг ҳаммаси "Экспорт назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни тақозо этади ва бу лойиҳа булажак сессия муҳокамасига биринчи ўқишда киритилмоқда.

Экспорт назорати тушунчаси ўз вақтида "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида"ги Қонун билан киритилган бўлиб, унда айтилишича, мамлакатимизда қурол-ярғоқ, ҳарбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нисбатан ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳўйма қилиш мақсадида мамлакатимизда экспорт назорати тизими фаолият кўрсатмоқда.

Экспорт назоратининг миллий қонун ҳужжатларига киритишдан қўланган асосий мақсад яъни киргин қурулларни тарқалишининг олдини олиш, халқаро ва миллий ҳавфсизлигини таъминлаш, давлатларнинг барқарор ривожланишини унч, шу соҳадаги халқаро шартномалар ва конвенциялардан келиб чиқадиган мажбуриятлар лозим даражада бажарилиши учун ишончли шарт-шароитлар яратишдан иборат. Экспорт назорати объектлари жумласига одатда ҳарбий мақсадларда, шу жумладан, яъли

кўриб чиқилган. Марказий банкнинг виллоят бошқармасида тўпланган тажриба оммалаштирилган. Маҳаллий ҳокимият ва боққарув органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иш қозғалари, муҳрлари ва тамгаларини Қонун талабларига мослаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилган.

— Ҳозирда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис бу масалага қатъи эътибор берилаетир. Қўмига шу йўналишда қандай ишларни амалга оширяпти?

— Мазкур йўналишда икки сессия оралиғида жойларда эллиқдан ортиқ семинар, учрашув, давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, турли анжуманларда қўмига аъзолари Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Олий ҳўжалик суди тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конституциявий суди тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламга етказмоқда.

Сирдарё, Фарғона, Самарқанд виллоятларида "Таълим-тарбия жараёнининг такомиллаштирилишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш масалалари", "Меҳр ва муруват — давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири" мавзусидаги илмий-амалий анжуманлар ўтказилди.

"Халқ сўзи" муҳбири Рўстам ЁРЛАҚАВОВ суҳбатлашди.



Ҳамиша халқ орасида

Депутат — халқнинг ишончли вакили. Бу ишонч қишидан доимо изланувчанликни, одамларнинг ўй-ташвишларидан ҳамиша боқабар бўлишни талаб қилади. 179-Чорсу сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига сайланган Замирахон Охунова доим халқ орасида. Эл ташвишини ўз ташвишим деб билган бу депутат сайловчилари билан бўлган учрашуларда уларни қизиқтирган савол ва тақлифлари билан ўртоқлашади.

СУРАТДА: депутат Замирахон Охунова сайловчилар даврасида.

Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ижро — муҳим мезон

Қонунлар яратиш ва қабул қилиш ўта мураккаб жараён. Уларнинг амалиётини таъминлаш мақсадида жамиятнинг кўплай институтлари, кенг жамоатчилик фаол иштирок этиши муҳимдир.

Муҳбиримиз айни шу мавзуда Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Ойниса МУСУРМОНОВАга мувожаат этди.

— Ўтган давр мобайнида қўмига қонунлар ижросини назорат-тақлиф қилиш борасида қандай ишларни амалга оширди?

— Биз республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишига қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш, уларнинг ижросини назорат қилиш, Олий Мажлис Кенгаши ва қўмига қарорларини бажариш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш билан боғлиқ бир қатор тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратдик. Шунингдек, парламентнинг бошқа қўмиталари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари муҳокамаларида иштирок этиб, тақлиф ва тавсиялар бердик.

Қўмитасини томонидан "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг Фарғона ва Сурхондарё виллоятларида ижро этилиши масаласи кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Тадбирларнинг кўрсатишича, Фарғона виллояти шарар ва туман ҳокимликлариди, идора, ташкилот ҳамда

муассасаларда иш юритиш, мажлислар, илмий-амалий анжуманлар ва бошқа тадбирлар давлат тилида олиб борилмоқда. Идора, ташкилот, корхона ва муассасаларнинг муҳрлари, тамгалари ва иш қозғалари "Давлат тили ҳақида"ги Қонунга мувофиқ, асосан, ўзбек тилида тайёрланган. Виллоят, туман ва шаҳар ҳокимликлариди, идора, корхона, ташкилот ва муассасаларда мазкур Қонуннинг ижро этилиши бўйича комиссиялар тузилган. Аҳоли ўртасида унинг аҳамиятини тушунириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Виллоят телевидениеси ва радиосида "Қонун ва ижро", "Ўзбек тилини ўрганимиз", "Қонун талаблари қандай бажарилади?"

"Ўзбек тили — жону дилим", "Лоқайдиқимни, эътиборсизлик?" сингари кўрсатув ва эшиттирилган ташкил этилганлигини бу борадаги амалий ишлар натижаси дейиш мумкин. Шу билан бир қаторда баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Биз уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бердик.

— Давлат тили тўғрисида

суда"ги Қонун ҳақида сўз юритганда лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси масаласига тўхталмай иложи йўқ. Жойларда бу борада олиб борилган амалий ишлар ҳўсусида тўхталиб ўсангиз?

— Албатта, бу борада тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Лотин ёзувини ўрганимиз" рукин остида қатор кўрсатувлар ташкил этилган. 2002 йилдан бошлаб барча шаҳар ва туман газеталари ҳамда телевидение орқали янги али

Халқаро ҳамкорлик

Хар бир мамлакат ва халқ ўз ривожланишида кўпгина ички ва ташқи омилларга таянади. Жумладан, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳалардаги халқаро ҳамкорлик ривожланишининг самаралри ташқи омилларидан биридир. Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг Темпус дастури ҳам шундай хайрли мақсадларга хизмат қилиб келмоқда.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақлифи ва ташаббуси билан Темпуснинг Ахборот кунлари бошқа айрим вилоятларда ҳам ўтказилди. Масалан, 2003 йилнинг 10 ноябрида Фарғона шаҳридаги


"КўшОштекс" корхонаси

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Олтинкўл туманидаги "КўшОштекс" ўзбек-қирғиз қўшма корхонаси-га технология линиялар ўрнатилди бошланди.

Бир кеча-кундузда 10 минг погонometr ногазлама материаллар, 2 тоннадан зиёд ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхона иш бошлагач, 400 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари доимий иш ўринларига эга бўлади.

Корхона "Фафурота" ишлаб чиқариш фирмаси ва Қирғизистоннинг Ўш ногазлава материаллар фабрикаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз.



Одатда қаеринг оғриси гўё жонинг ўша ердага ўхшаб туюлаверади. Бирок бутун борлиқни кўриб, яйраб-яйнаб яшашига сабабчи бўлиши кўзларнинг нурсизланишидан Худонинг ўзи асрасин. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридаги кўз касалликлари шишқонаси бош шишқори Расул Қаримов бу ёруғ оламни бутун гўзаллиги, тиниқлиги билан кўриш бахтининг мусово бўлганлар, дард чекканларга бу бахтни ато этаётганлардан. Суратда жиммайиб турган бу шишқорнинг чехрасиди нур, табиятидаги самимийлик унинг савоб ишларининг, беморлари дуоларининг ифодасига ўхшаиди гўё. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Темпуснинг хайрли қадамлари

Ушбу дастур ЕИ умумий фаолиятининг таркибий бир қисми бўлиб, Шарқий Европа, Марказий Осиё, Фарбий Болкон ва Уртаер денгизи мамлакатларидаги олий таълим тизimini такомиллаштириш йўлида ҳамкорлик қилишга қаратилган. Унда ЕИ ва шерик давлатларнинг олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини рағбатлантириш, бу алоқаларни молиявий ёрдам кўрсатиш ва грантлар ажратиш воситасида қучайтириб бориш кўзда тутилган.

Темпуснинг юқориди тилга олинган минтақалардаги мамлакатлар олий таълим тизими билан ҳамкорлиги Европа қўшма лойиҳаларини ишлаб чиқиш, Тузилмали ва қўшимча механизмларни яратиш, Яқка тартибдаги сафарбарлик грантларини ажратиш каби йўналишларда амалга оширилади.

Дастур иш бошлаганидан буюн Темпуснинг қўшма лойиҳалари ижросига 13 та Европа давлатидан 80 га яқин университетлар ҳамкорлик қилди.

Ўзбекистонда Темпус дастури ўз фаолиятини 1994 йилда, 6 та тайёрлов лойиҳалари билан бошлади. Шундан кейинги йилларда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарамогидида 63 та олий ўқув юртидан 28 таси ушбу дастурда қатнашди. Республикада олий таълим тизimini такомиллаштиришга қаратилган 43 та лойиҳа молиялаштирилди. Хозирги кунга қадар Европа Итти-

олий ўқув юртлири учун Фарғона политехника институтида, 11 ноябрида Наманган шаҳридаги олий ўқув юртлири учун Наманган муҳандислик-педагогика институтида, 12 ноябрда Андижондаги олий ўқув юртлири учун Андижон қишлоқ хўжалик институтида худди шундай кунлар бўлиб ўтди. Ахборот кунлари Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат педагогика университети, Кимё-технология ва Автомобиль йўллари институтида ҳам уюштирилди. Шунинг айтиш кераки, хозирги кунда Темпус дастури фаолиятида олий ўқув юртлиридан ташқари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бир қатор бошқа ташкилотлар ва муассасалар ҳам қатнашмоқдалар.

Хозирги кунда республикадаги 20 та олий ўқув юрти базасида Темпуснинг навбатдаги 10 та лойиҳаси амалга оширилмоқда. Уларнинг ижросида Европанинг 30 та ташкилоти, шу жумладан Россия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Мўғулистон давлатлари иштирокида сув ресурсларини бошқариш, ижтимоий-иқтисодий, энергиядан фойдаланиш ва туризм соҳаларига оид яна 4 та минтақавий лойиҳа юзасидан фаолият бошланди. Республиканинг барча аграр олий ўқув юртлири дастурда иштирок этмоқда.

(Давами 6-бетда).

9 май — Ўзбекистонда энг қадрли байрамлардан бири — Хотира ва қадрлаш куни.



Хозирда Ўзбекистонда 51 минг уруш қатнашчиси истикомат қилади. Буюк Галаба учун Ўзбекистон ўзининг салмоқли хиссасини қўшди. Меҳнатта лаёқати бўлган республика аҳолисининг 40 фоиздан ортиги жанг майдонларида жасорат кўрсатди. Урушдан қайтмаган 450 минг ўзбекистонликларнинг ёди 33 жылдиги Хотира китобида абадийлаштирилган.

Уруш даврида Ўзбекистон раҳм-шафқат республикаси номини олди, чунки у 200 мингдан ортққ етим болаларни ўз бағрига олди. Хотира ҳаёт экан — ҳалок бўлганлар ҳаётдир. Ер юзиде токи ҳаёт бор экан, биз қарамонлар жасорати, уларнинг абадий хотираси, оиласи ва фарзандлари олдида бош эгамиз.

"Трансаэро" авиакомпанияси уруш фахрийлари ва фронт орти меҳнатқашлари учун 2004 йил 3 майдан 14 майгача ўзининг барча мунтазам рейслари авиачипталарига 90 фоиз чегирма беради.

Телефонлар: 133-27-45, 133-76-38, 133-99-35.

"Бахт иқбол... ҳуқуқига эгаман" танловига

Бу даргоҳнинг хоналари, йўраклари мўъжаз бир кошонага ўхшайди: баланд, оппоқ пардалар ташқаридан тушаётган нурларни ҳовучлаб ичкарига узатади. Санъат асарлари — табият тасвирларининг ҳар бирига тикилган сайин дунё гўзалликларининг бетакор рангу чизгиларидан ҳайратланаверасан, киши. Мўҳими, бу даргоҳнинг қон томиларида оқиб турган ҳаёт — болажонлар мавжуд шароиту имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Мусавфро осмондасан, КАБУТАР!

Одатда, уч-тўрт нафар бола йилгилган жой шовқин-сиз бўлимади. Лекин... Бу ерда ўзгача ҳолат. Келинг, таништириб ўтай: гап Самарқанд шаҳридаги 6-Меҳрибонлик уйи ҳақида бормоқда.

Кун пешиндан ўтган. Етти ёшдан ўн етти ёшгача 120 нафар тарбияланувчиси бўлган бу даргоҳ оёсайишта. Сабабини эшиклари очик турган хоналарнинг дастлаб-кисига кўз ташлаш билан дарҳол англади. Бошлари-га дурра тангиб, олдлари-га фаруқ тақиб олган қиз-калардан бири тивув машинасида, бошқаси кўлда тикиш-бичиш билан банд. Етти ёшли Феруза билан Фариде юшмоқ ўйинчоқ — кучуқ-чанининг тугма кўзини қадаш-қаётган экан. Озоданинг тикав-тагани кўйлақчиси битай деб қолди.

— Мен тўрт йилдан буюн тивувчиликка қатнашман, ўзимга керакли кийимларни тикиб оламан, — дейди Наврўза.

Кейинги хонада бир гуруҳ табиятсеварлар ўлкамиз тоғларида қандай ҳайвонлар, қушлар яшашини ўрганиш-ётган экан.

Устоз Яхшиқул Абдумуродова раҳбарлигида тўқтин турларини ўрганаётган Феруза, Ҳафиза, Нодира, Дилшода каби тарбияланувчилар хозирда кўпайганлигини айтишди.

— Утган йили қуздан бошлаб Меҳрибонлик уйи-мидаги ҳамма кичкина болаларга қалин пайпоқ, жемперлар тўқиб бердик, — дейди Ҳафиза Зиедова.

Зардушлик хонасига кириб келганимизни Оксана, Наташа, Сусана, Эсмиларлар сезишмади ҳам. Сабаби, ишга жуда берилиб кетиш-

ганди. Яқинда ташкил қилиниб, тивув дастгоҳлари ўрнатилган бу тўғарақка аъзо бўлганлар анчагина экан.

— Балки, келажакда зардуш устаси бўларман, — деди Наташа, — камзул, чиройли дўппилар тикмоқчи-ман.

Катта спорт залида бир вақтининг ўзида спортнинг кўл тўпи, стол тенниси, волейбол, кураш турлари бўйича машғулотлар ўтказилди.

— Самарқанд шаҳрида фаолият юритаётган олти Меҳрибонлик уйи ўртасида бўлиб ўтган спорт мусобақаларида бизнинг тарбияланувчиларимиз қилиб бўлишди, — дейди спорт инструктори, тарбиячи Шаҳноза Холлова гурур билан. — Маълумур Кўшқов билан Заруҳ Розиков кураш бўйича қора белбоғ соҳиб. Қизларининг миннатдорчилиги бадий гимнастикага қизиқишди.

— Улар уларни танлаган тўғарақ машғулотида болаларча қизиқиш, интилиш билан билим, ҳунар ўргаништирилди. Йиллар ўтиши билан улар ўзлари мустакил равишда нимадир тикиб, тўқиб олишининг, мактабда қўшимча ўрганган билимларининг аҳамиятини чўқурроқ англаб борадилар, ушунда бу даргоҳни, устозларини миннатдорчилик билан эслайдилар.

— Болаларни миллий ҳунармандчилига, ўзбекана анъаналаримизга ўргатиш билан бирга, уларнинг қўшимчилиги, келажакда кўнчилиқ хавас қиладиган интисони бўлиб ўлгайишларига алоҳида эътибор берамиз, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Зухра Раҳимова. — Бунинг учун имкониятлар етарли. Компьютер

шеърлардан олиб келдик. Беихтиёр ёзувларга кўз югуртирдим:

Умримни алмашай, келинг, онажон, Қарзим узолмасман сиздан ҳеч қачон... Кўксингизга бошим қўйсам бас, Ором олиб ётсам бир нафас...

Наргизанинг сатрларидан. Она, она, азиз онажон, Қичқиргим келади

Қолганлари қайта таъмирланиб, жиҳозлар билан бойитилди. Хозир шаҳардаги энг нуфузли ташкилотлар Меҳрибонлик уйларига ҳар жиҳаддан ҳошимлик қиладилар.

— Янги бинога кўчиб ўтганимиздан кейин болаларимизнинг ўқишга, ўғранишга қизиқишлари яна ҳам орди, — дейди Зухра Раҳимова. — Ўғил, қизлар доим йурди, кулгу кайфиятида юради, десам унча тўғри эмас. Шароити қандай бўлишидан қатъи назар, ўз уйларига кетгилари келаверади, ота-оналарига талпинаверадилар. Тикилиб қарасангиз, кўзларида интизорлик, соғиниши кўрасиз...

— Ҳа, Аллоҳ инсон боласи хисму руҳига омухта этган туйғуларни ҳеч қим ўзгартира олмайд.

— Мен ўз уйимизда яшашни хошлаيمان... — "Аям билан дадам ярашиб, бизни олиб кетишларини истайман..."

— "Энг ёмон кўрганам — ичкилик. Дадам ичинини ташлаб, мени олиб кетсалар..."

— Мен бу ерданман, сингил! Салоҳат бошқа Меҳрибонлик уйда. Онам, сингил билан бирга яшашни орзу қиламан..."

— Дадам кетгани соғиниб бир кўриб бизларимиз... Сўхбатимиз поёнида болалар мана шу тарика дилларини ёришди. Лекин Садриддин Ибодов ўзи саккиз яшар бўлса ҳам катталардек сөрмулоҳаза экан.

— Мен ҳарбий бўлишни истайман, — дейди у. Бу диллиги билан даврадагиларнинг кайфиятини ўзгартирмоқчи бўлгани аниқ, — Ватанимизни қўриқлайман.

Садриддиннинг гапи сабаб бўлди-ю, бошқаларнинг ҳам кўзлари чакнади: — Мен расом бўламан. — Мен устозларимизга ўшаган ўқитувчиликни танлаганман!

— Мен актриса... — Мен япон тилини ўғраниб, келажакда таржимонлик қиламан, Японияга боришни орзу қиламан.

— Мен катта бўлсам, яхши она бўламан, болаларимга ўзим қийимлар тикиб бераман, — деди ҳали ўйинчоқ тикиб ўтирган кичкинтой Феруза.

Яхши ниятларининг умри узун, тилакларининг ижобат бўлсин, болажонлар! Зеро, ҳар бирингизнинг тақдирингизни асраб, авайлаб, эъзозлаган Ватан — мустакил Ўзбекистон ҳеч қачон Сизни ёлғизлатиб қўймайди.

Самарқанд шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун катта эътибор, меҳр-мурувату таъбирлари 2003 йилдан бошланганди. Вилоят ҳокимининг қарори билан "Меҳрибонлик уйи"дан иккитаси таълим-тарбия олиш, спорт билан шугулланиш, ҳунар ўрганиш, дам олиш, оқватланиш учун барча шароитларга эга бўлган замонавий биналарга қўйрилди.

Мухтарома УЛУҒ, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

«ОНИКС» ОАЖ кўйидаги мутахассисларни ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. муҳандис-конструктор; муҳандис-технолог; чилангар-асбобсоз; гравёр; иссиқ шиша прессловчи ва йиғувчи; техник ускуналарни созловчи. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Сабир Раҳимов тумани, М.Мирпўлатов кўчаси, 51-уй. Телефон: 48-16-89, Автобуслар: 100, 111, Трамвай: 27. Мўлжал: 3-автобус саройи, «Оникс» ОАЖ (собик «МИКОНД» заводи).

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 136-09-25 132-10-63 242-хона

Ўзбекистонда энг арзон Спорт анжомлари 30 дан ортққ турда. Ўқувчилар мебеллари. Мактаб, лицей, коллеж институт ва бошқа ўқув юртлири учун. Тошкент шаҳри, Сегизбоев кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (998-712) 72-90-82, 72-97-16, 155-77-13. www.kprtovt.uz info@kprtovt.uz

Хабарлар оқимида

ЭКОЛОГИЯДАН САБОҚ

Кеча республика ёшларининг "Bioekosan" ўқув-услубий марказида умумий ўрта таълим мактаблари учун мўлжалланган экология йўналишидаги "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида етти сабоқ", "Экология алифбоси", шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи" дарсликларининг тақдими бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги, олимлар, ўқитувчилар, USAID, Осиё ривожланиш банки ва юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда атроф-муҳитнинг мувозанати, унинг инсон руҳиятига таъсири, табияти муҳофазаси қилиш сингари мавзуларда сўз юритилди.

Табиятнинг севишга, уни асраб-авайлашга чорловчи мазкур қўлланмалар Осиё ривожланиш Банкининг кредит маблағлари ҳисобидан нашр этилди.

М. ХОЛМАТОВА.

ҚАҲРАМОННИНГ ЯНГИ ОТАРИ

НАВОИЙ (Ўза мухбири ЕРКУЛ УМАР).

Томди туманидаги "Бирлик" қорақўлчилик ширкат хўжалиги бош қўпони, Ўзбекистон Қаҳрамони Серикбой Сағатов кўзилатиш мавсумини вилоятда биринчи бўлиб якулдади. У қарамогидида 465 бош совлиқдан беш юзга яқин соғлом қўзи олди. Шундай қилиб, чўпоннинг отари бу мавсумда яна биттага қўлайди.

С.Сағатов каби илгор чорвадорлар меҳнати туйғали туманда қариб 130 минг бош қўзи ўсишга қолдирилди.

ҚАЛЪАНИНГ ҚАЙТАДАН КАШФ ЭТИЛИШИ

БУХОРО (Ўза мухбири ИЛҲОМ САҒАФАР).

XIX асрда бунёд этилган Бухоро қалъаси, дарвозалари шарқ мейморчилигининг ноёб дурдоналаридандир. Афсока, мустамлака замонида қалъанинг катта қисми вайронга айланган эди.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида Бухоронинг асл қиёфасини сақлаб қолиш ва бебаҳо обидаларини таъмирлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қалъанинг Талипоч дарвозаси қисмини қайта тиклашга киришилди. Бу хайрли ишга хоразмлик усталар ҳам жалб этилган. Обида икки йил ичида асл қиёфасини қайтадан кашф этди.

Банк тизими

Бугунги тезкор замонимизда нафақат молия идоралари ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини, балки ҳар биримизнинг кундалик турмушимизни ҳам банкларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти эса кун сайин ортиб бормоқда. Шу боис банкларни иқтисодиётнинг қон томирларига ўхшатишлари бежиз эмас.

Аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб, эътибор топаётган ана шу банклар орасида акциядорлик тижорат «Турон» банкнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Янгилликка интилиш, изланиш, тезкорлик ва аниқлик ушбу банк ҳар бир ходимининг иш услубига айланган. Қолаверса, «Турон» банки ўз фаолиятини мамлакатимиз банк тизимини ислоҳ қилишга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талаблари асосида олиб бормоқда.

Мижозларнинг энг яқин ҳамкори

Акциядорлар манфаатини кўзлаб

2003 йилда «Туронбанк» ўз капиталини кўпайтириш, ликвидлигини таъминлаш, активлар сифатини яхшилаш ҳисобига молиявий барқарорлигини ошириш, янги

олди. Бунга нафақат ўз маблағларини кўпайтириш, балки қўшимча кредит ресурсларини жалб қилиш эвазига эришилди.

2004 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк мажбуриятлари ҳажми эса 20,2 млрд. сўми ташкил қилиб, ўтган йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 2 баробар кўпайди. Бу амалда республика ҳукумати ва Марказий банк томонидан олиб бо-

Банкнинг ана шу кредит қўйилмалари ҳисобига қўшма корхоналар, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, акциядорлик жамиятлари, ширкат ҳўжаликлари ва бошқа ташкилотлар фаолияти молиялаштирилмоқда. Мисол учун, ўтган йили ажратилган кредитларнинг 24 фоизи санаога, 21,8 фоизи қурилишга, 18,3 фоизи қишлоқ ҳўжалигига, 16,3 фоизи транспорт ва алоқага, 15,2 фоизи савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларига, 4,4 фоизи эса бошқа тармоқ корхоналарига йўналтирилди.

Банк ўзининг кредит сиёсатига мувофиқ, қисқа муддатли кредитлардан кўра ўрта ва узоқ муддатли кредитларга ҳам кўпроқ аҳамият бермоқда. Бундай кредитларнинг банк кредит портфелидаги салмоғи ҳозирда 50,2 фоизга ўсди.

Айниқса, «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши узоқ муддатли кредитлашнинг янги шакли — лизинг амалиётларини амалга ошириш имконини берди.

«Туронбанк» томонидан биргича ўтган йили 10 та ҳўжалик юртувчи субъектга техника, бино-иншоотлар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш учун лизинг хизматлари кўрсатилди.

Бундан ташқари, ҳўкуматимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан, талаба ва ўқувчиларга бевосита молиявий кўмак бериш, ўқув юртлирига тахсил олаётган ёшларнинг ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 60 нафарга яқин талабага 28,4 млн.сўмлик узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Мазлумки, «Туронбанк» миждозларнинг асосий қисминини қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ташкилотлари ташкил этади. Улар сув ҳўжалиги ва ирригация тизимини таъмирлаш, қуриш ва эксплуатация қилиш билан шуғулланишда. Шу боис банк қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш, аввал очилган ерларга қайта ишлов бериш, суғорилган ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш, янги магистрал каналларни қуриш ва эскирилган қайта таъмирлаш, коллекторлар, йирик гидротехник иншоотлар ва сув омборлари ҳамда қишлоқ инфра-тузилмасини яхшилаш бўйича капитал қурилишларни молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил учун инвестицион дастури ҳақида»ги қарорига асосан, ирригация-мелiorация ишлари, йирик ва асосий сув ҳўжалиги объектларида эксплуатация тизимини яратиш, хавфсизликни кучайтириш ҳамда қишлоқ инфра-тузилмасини ривожлантиришга 26 млрд. сўм миқдорда маблағ берилди. Қурилишнинг аниқ мўлжалли дастурига биноан эса, 25 млрд.сўмга яқин маблағ сув ҳўжалиги қурилишга, 80 млн.сўм ўрмон ҳўжалигига, 823,5 млн.сўм қишлоқ инфра-тузилмасини ривожлантиришга, 201,4 млн.сўм бошқа мақсадлар учун ажратилди.

Шу билан бирга, «Туронбанк» томонидан Жиззах вилоятидаги «Арнасой», Наманган вилоятидаги «Кенгўлсой» ва «Резаксой» сув омборлари қурилиши, «Чодак» мавзидидаги янги ерларнинг ўзлаштирилиши, Бухоро вилоятидаги «Тўдакўл» ҳамда Хоразм вилоятидаги коллекторларнинг реконструк-

ция қилиниши, Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидаги «Бўстон» каналининг қурилиши ҳам молиялаштирилди.

Шу ўринда банк филиаллари томонидан ишлаб чиқаришдаги узлуksизликни тўлиқ таъминлаш йўлида иш бажарётган ва хизмат кўрсатаётган корхоналарга зарурат туғилганда йирик ҳажмларда кредитлар ажратилиб, факторинг хизматлари кўрсатилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунинчи, 2003 йилда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларга салкам 8,3 млрд.сўм кредит берилиб, факторинг хизматлари кўрсатилди. Ушбу маблағ ҳисобига 44 гектар янги ер ўзлаштирилди, суғориладиган 711 гектар майдон реконструкция қилинди, 1,810 гектар ернинг мелiorация ҳолати яхшиланди. Қишлоқ аҳолисини табиий газ ҳамда ичимлик суви билан таъминлаш учун 60 километр узунликда газ ва сув қувурлари ётқизилган бўлса, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида эса 50 ўринли иккита қишлоқ врачлик пункти ва 240 ўринли мактаб биноси қуриб битказилди.

Кичик бизнес қўллаб-қувватланмоқда

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган мажлисидаги мазруна застида таъкидлаганидек, «биз учун устувор бўлиб қолаётган энг муҳим вазифалардан бири — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласидир». Ана шу талаблардан келиб чиқиб, «Туронбанк» кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг етакчи кредитори бўлиб келмоқда. Чунки улар бизнесни ташкил этиш, янги технологияларни қўллаш, кичик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тез мослашадиган субъектлардир. Шу боис фақат ўтган йилнинг ўзида уларга 6 млрд.сўм кредит ажратилди. Бу маблағ ҳисобига 2547 та янги иш ўрни яратилди, қўшимча 2,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Масалан, банкнинг Самарқанд филиали томонидан «Савдотикшизмат» ишлаб чиқариш корхонасига тикувчиликни ривожлантириш учун ажратилган кредит эвазига 15 та янги иш ўрни ташкил этилди, кредитнинг ҳар 1 сўми ҳисобига қўшимча 2,6 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Бухоро филиали томонидан «Шариф-Жума» фермер ҳўжалигига сутни қайта ишлаш ускуналарини сотиб олиш учун кредит ажратилиши натижасида қўшимча 15 та янги иш ўрни очилиб, 45,4 млн. сўм қўшимча даромад олишга эришилди. «Меҳрон» хусусий фирмасига ажратилган кредитдан самарали фойдаланиш ҳисобига эса бу ерда 25 та янги иш ўрни яратилиб, аҳолига 25,4 млн. сўмлик сифатли хизмат кўрсатилди.

Бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳозирги bosқичида иқтисодий ривожланишга, инфляция даражасига, айрим ҳолларда ҳўжалик юртувчи субъектларнинг банк-ротлик ҳолатига тушиб қолишига корхона ва ташкилотларнинг ўзаро қарзлари салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Ҳўкуматимиз томонидан ана шу субъектларнинг дебиторлик ва

кредиторлик қарзларини камайтириш борасида банк тизими олдида кўйилган вазифаларни амалга оширишда ҳам «Туронбанк» ўз миждозларининг ҳақиқий ҳамкорига айланмоқда. Уларнинг ўзаро қарзларини камайтириш, муддатларини қисқартириш (айланиш тезлигини ошириш), муддати ўтган қарзлар вужудга келишининг олдини олиш учун доимий равишда факторинг хизматлари кўрсатилмоқда. Айни шу мақсадда бултур миждозларга 7,5 млрд. сўмлик факторинг хизмати кўрсатилди.

Тўлов механизмни такомиллаштириш, бюджетга тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ўзаро қарзларини қисқартириш учун эса мақсадли схемалар тузилиб, ушбу мақсадга жами 3,1 млрд. сўм кредитлар берилди. Натижада якунланган йилда 18,7 млрд. сўм иқтисодий самарадорликка эришилди. Бошқача айтганда, ана шу схемага асосан, «Намангансувтранс» очик турдаги акциядорлик жамиятининг 6,5 млн. сўмлик, «Шахрисабз электр тармоғи» корхонасининг 2,6 млрд.сўмлик дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қисқартирилди. Бундан ташқари, ўтган йили корхона ва ташкилотларнинг вақтинчалик пул маблағлари етишмаган ҳолларда иш ҳақи учун 307 млн.сўм кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарорига мувофиқ эса банкнинг Бухоро, Олот, Фаргона ва Наманган филиаллари томонидан пахта ва бошқоқ дон етиштирувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига 114,0 млн.сўм имтиёзли кредит берилди. Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг ўзларига хизмат кўрсатувчи ва маҳсулот етказиб берувчи тармоқ корхоналаридан қарзларини камайтириш учун ҳам 3,1 млрд. сўм маблағ ўтказилди. Мазкур мақсадли тўловлар асосида улар катта миқдордаги кредиторлик қарзларини қисқартиришга муваффақ бўлдилар.

Валюта ва қимматли қоғозлар бозорига

Хабарингиз бор, республика-мизда валюта бозорининг эркинлаштирилиши, жорий операциялар бўйича миллий валюта конверта-

циясининг таъминланганлиги халқаро тўловлар, валюта амалиётлари ҳамининг ошишига олиб келди. Шунини ҳисобга олиб, «Турон-

банк» жойларда 29 та валюта айирбошлаш шохобчасини очган эди. Улар орқали 6,3 млн. АҚШ доллари миқдорда чет эл валютаси сотилиб, 1,16 млн. АҚШ доллари миқдорда чет эл валютаси харид қилинди. Ҳозирда бу жараён изчил давом этмоқда — аҳолига сифатли банк хизмати кўрсатилмоқда.

«Туронбанк»да Western Union пул ўтказиш тизими ҳам жорий қилинган бўлиб, бу аҳолига янги турдаги банк хизмати — ҳисоб рақами очмай туриб пул жўнатиш ёки қабул қилиш амалиётини рўёбга чиқариш имконини бермоқда. Бугунга қадар мазкур тизим орқали амалга оширилган амалиётлар айланмаси 4,5 млн. АҚШ долларидан ошиб кетди. Республикаимизнинг Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фаргона, Шахрисабз ва пойтахтимиз Тошкентда жойлашган Western Union шохобчалари жамоалари, айниқса, аҳолига сифатли ва тезкор хизмат кўрсатмоқдалар.

«Туронбанк», шунингдек, тижорат банклари орасида биринчи бўлиб Россиянинг «Импексбанк»и билан «Тезкор почта» пул ўтказиш хизмат турини ҳам йўлга қўйган эди. Ушбу хизмат тури арзонлиги (атиғи 2 фоиз) ва тезкорлиги билан жисмоний шахсларга кўл келмоқда. Ундан фойдаланувчилар сони кундан-кунга кўпайиб бораётгани бунга далил бўла олади.

Ўтган даврда чет эл валюталарида ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ресурсларни жалб қилиш мақсадида хоржий банклар билан корреспондентлик муносабатлари ҳам кенгайтирилди. Ҳозирги кунда «Туронбанк»нинг АҚШнинг «American express» ва «Union Bank of California», Германиянинг «Dresdnerbank», Швейцариянинг «Кредит Свис» ва Россия Федерациясининг «Внешторгбанк», «Сбербанк», «Импексбанк»лари билан вақтинчалик муносабатлари тобора мустаҳкамланмоқда.

Яқин кунларда эса «Туронбанк»нинг халқаро ҳисоб-китоблар SWIFT NET электрон тизимига уланиши ҳам қўшилмоқда. Мазкур тизим ўз навбатида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи миждозларга халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда янада кўпроқ қўлайликлар яратлади.

Банкнинг қимматли қоғозлар бозорига фаолиятини ривожлантириш ҳам диққат марказида турибди. Мавжуд ресурслар асосан юқори даромадли давлат қисқа муддатли ҳамда корхона ва ташкилотларнинг корпоратив облигацияларини сотиб олишга йўналтирилгани тўғрисида қимматли қоғозлар бўйича қўйилмалар, 2004 йил 1 январь ҳолатига кўра, ўтган йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 552 млн. сўмга кўпайди. Бундан ташқари, банк иқтисодий салоҳиятга эга корхоналарнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш йўли орқали уларга молиявий ёрдам кўрсатиб, ўз даромадларини ҳам кўпайтириб бормоқда. Ўтган йили қимматли қоғозлар операцияларидан жами 136 млн. сўм даромад олинди.

Банк тизимининг узлуksиз ишлаши, табиийки, техникавий базани такомиллаштириши ва юксак малакали ходимларга эга бўлиш-лигини талаб қилади. Замонавий технологияларнинг жорий этилиши ҳамда доимий ривожлантириш бориши эса миждозларга аниқ вақт режимида хизматлардан фойдаланиш, шу орқали барча зарур операцияларни тез ҳамда ишончли амалга ошириш имконини беради. Ўтган йили «Банк-миждоз» тизими орқали иш жойидан ҳисоб-китобларни амалга оширувчи миждозлар сони сезиларли даражада кўпайганлиги бунинг исботидир.

Хулоса қилиб айтганда, «Туронбанк» республикамизнинг барча молиявий муассасаларни қаторида мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. У бундан кейин ҳам бу борадаги фаолиятини изчил давом эттираверади.



хизмат турларини жорий қилиш, филиаллар ва мини банклар очиб орқали миждозлар сонини кўпайтириш ва уларнинг яқин ҳамкорига айланишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширди. Ушбу жараёнларда ўзаро манфаатли таъминларга таянган ҳолда у асосий эътиборни миждозлар эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга қаратиб, улар билан ҳамкорлик қилиш сиёсатига жиддий ўзгаришлар киритди. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг хизматлар бозоридида мактебинанча мустаҳкамлаш имконини яратди. Айниқса, миждозларни жалб қилиш жараёнида маркетинг йўналишларидан кенг фойдаланилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида банкнинг миждозлари сезиларли даражада ўсди. Аниқроғи, 2003 йил давомида уларнинг сони 2482 тага кўпайиб, 9866 гани ташкил этди. Шулардан 5093 таси кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар, 1390 таси қишлоқ ҳўжалик корхоналари, 2210 таси савдо ва қурилиш ташкилотлари ва 1173 таси бошқа ташкилотлардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, банкнинг миждозлари нафақат миқдор жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсди. Уларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлари икки марта кўпайгани шундан далолат беради. Бундан банкнинг хизмат турлари учун белгиланган ҳақлар ва депозитлар бўйича фоиз даражаларининг эгилувчанлиги муҳим роль ўйнади, албатта.

Банк корпоратив миждозлар билан яқиндан иш олиб бориши тўғрисида эса унинг активлари 23,6 млрд. сўмга етди. Ҳозирги кунда бу активларнинг асосий қисминини, яъни 72 фоизини даромад келтирувчи активлар ташкил этади.

Айни чоғда банк томонидан ўз маблағларини кўпайтириш йўлида амалга оширилган савб-ҳаракатлар натижасида банк капитални салкам ярим миллиард сўмга ортиб, 3,4 млрд. сўмга етди. Биргина банкнинг захира фондлари ўтган йили 4 баравар ошди.

Акциядорларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда банк ўз фаолиятини уларнинг даромадларини кўпайтиришга йўналтиргани ҳам ўз самарасини берди. Хусусан, 2003 йилда банк 0,6 млрд.сўм фойда

Мақсадли кредитлар

Республикамиз иқтисодиёти ривожланган сайин унинг реал секторида молиявий ресурсларни жалб этишда банк кредитларига бўлган талаб ҳам ошмоқда. 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами кредит қўйилмалари 13,5 млрд. сўми ташкил этиб, ўтган йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 2 баробар кўпайди.

«IG HOLDING» ochiq aksiyadorlik jamiyatining

4545 (tўrt ming besh yuz kirq besh) dona эгаси
ёзилган оддий нақдсиз акцияларининг эмиссия рисоласи

Идентификация рақами берилди **RU101P0673TO**

Юридик шахслар — иштирокчиларнинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахслар — иштирокчиларнинг Ф.И.Ш.	Юридик шахслар — иштирокчиларнинг маъноси ёки жисмоний шахслар — иштирокчиларнинг паспорт маълумотлари	Иштирокчиларнинг устав капиталдаги улуши	
		Сони доналарда	Улуш фоизда
«Aquarelle Limited»	Буюк Британия, P.O.Box 560, Heron House L'avenue de la Cfmune St. Peter, Jersey, LE4 8XP	3295	72.5
«GB Tex S.A.»	Буюк Британия, Geneva Place, Waterfront Drive, P.O. Box 3469, Road Town, Tortola, British Virgin Islands, Great Britain	675	14.9
«Worldwide Pharmaceuticals BV»	Нидерландия, Valkenburgerweg 67, 6419 AP Heerlen, Netherlands	575	12.6

Ширкат ва фермер хўжаликлари етакчилари диққатига!
ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ВУ-300, ВУ-304-2 русумли тракторлар
корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга!

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ
сизларнинг истаklarингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.

Куйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маъқул бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишади ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.

Дилерлик марказларимиз куйидаги манзилларда жойлашган:

№	Манзил	Дилерлик марказлари номи	Директорлар исми-шарифи	Телефонлари
I. Қашқадарё вилояти				
1.	731101, Косон шаҳри, Й.Охунбоев кўчаси, 55-уй	ТТЗ - Косон-сервис	Тўраев Ш.С., бош ҳисобчи	код 37559 32262, 32697
2.	731306, Фузор шаҳри, "Пахтазор" маҳалласи	"ТТЗ - ММТП" Фузор	Зарипов Соатмурод Малеевич	код 37555 22234, 21397
II. Сурхондарё вилояти				
3.	733000, Денов шаҳри, Остонакулов кўчаси, 107-уй	ТТЗ Сурхондарёсервис	Чориев Абдусалом	код 37641 24601, факс: 21626
4.	733806, Сариев шаҳри, Улугбек кўчаси, 10-уй	ММТП "Сариев"	Эшонкулов Тўхтасин	код 37641 31368
5.	733414, Олтинсой тумани, Корлук кўрғони, Охунбоев кўчаси, 24-уй	ММТП «Олтинсой»	Ҳусанов Абдурахмон	код 37647 51778, уйи: 51578
6.	Ангор тумани, "Талимарон" хўжалиги, 1-бўлим, "Корасу" маҳалласи	ММТП "Ангор"	Шауманов Тура Шоуманович	код 37631 22047
III. Хоразм вилояти				
7.	741800, Хонка шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй	Хоразм техника маркази	Юсупов Маматсалой	код 36239 91932, 92609
8.	740006, Хонка тумани, У.Юсупов кўчаси	Янгибозор	Каландаров Кадам	уяли: 1545062
IV. Жиззах вилояти				
9.	708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй	Жиззах техника маркази	Жўраев Холмурод	код 37222 31821, 31526
V. Фарғона вилояти				
10.	713826, Фарғона тумани, Аввал қишлоғи	Фарғона техника маркази	Раҳмонов Махмуд Холматович	код 3732 255733
VI. Наманган вилояти				
11.	716003, Наманган шаҳри, Шимолий саноят эваси, Поляковский к., 19-уй	Наманган вилояти техника маркази	Зиятов З.С.	код 36922 40764
VII. Қорақалпоғистон Республикаси				
12.	743700, Тўрткўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй	Қорақалпоғистон техника маркази	Мадраимов Илҳомбой Давлатович	код 361 5323293 2214975 2211200

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

«НЕФТЬ ТАЪМИНОТ» ОАЖ

акциядорларининг ўтказилган умумий йиллик йиғилиши ҳақида маълумот
Йиғилиш ўтказиш тури — очик.
Ўтказилган сана — 2004 йил 16 апрель.
Ўтказилган жойи — Тошкент шаҳар,
М.Улугбек тумани, Т.Содиқов кўчаси, 12-уй.

Йиғилишда қабул қилинган қарорлар:

1. ОАЖ бошқарув раисининг 2003 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва 2004 йил режалари ҳисоботи тасдиқлансин. Бошқарувнинг 2003 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.
2. Йиллик бухгалтерия баланси ва 2003 йил даромадлари тақсимлансин.
3. ОАЖнинг 2003 йил натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.
4. ОАЖнинг 2003 йил натижалари бўйича аудитор текширув хулосаси тасдиқлансин.
5. 2003 йил бўйича ҳар бир акция учун дивиденд миқдори 70 сўмдан белгилансин ва тўлаш тартиби тасдиқлансин.
6. Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси 1 йил муддатга узайтирилсин.
7. Тафтиш комиссияси аъзолари таркибига киритилган ўзгартиришлар тасдиқлансин.
8. 2004 йилга ОАЖнинг аудитори қилиб, «CHINAUDIT» фирмаси тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши.

«АКМАЛ ИКРОМ САВДО» ОАЖ

2003 йил якуни бўйича
акциядорларнинг умумий йиғилиши
2004 йил 10 май куни соат 9.00 да
жамиятнинг А.Икромов тумани,
Сегизбоев кўчаси, 21-даҳа 1-б уй,
жамият идораси биносининг
мажлислар залида ўтказилишини
маълум қилади.

Рўйхатдан ўтказиш -
соат 8:30 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Бошқарув раисининг 2003 молиявий-хўжалик йил натижаси бўйича ҳисоботи.
2. Аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамият бошқарув раиси ва кузатув кенгаши аъзоллигига сайлов ўтказиш тўғрисида.
4. 2004 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
5. 2003 йил натижалари бўйича акциядорларга дивиденд тўлаш тўғрисида.

"LOK KOLOR SİNTEZ" ҚҚ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

**КЕНГ АССОРТИМЕНТДА
ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ**

КОРЖОМАЛАР
Узун ва қалта энгли эркалар иш кийимлари
Эркалар ва аёллар ярим комбинезонлари
Аёллар иш бермудлари
Қалин иш курткеси
Йўл ишчилари нимчаси
Кўлқоплар
Эркалар ва аёллар иш халатлари
Эркалар ва аёллар тиббиёт халатлари
Ошпазлар нимчаси, фартуғи, қалпоғи
Солдатлар ички кийимлари

БОЛАЛАР УЧУН
йўрғаклар, кўйлақчалар, халатлар.

ЧОЙШАБЛАР
ёстиқ жилдлари, кўрпа
ғилофлари, чойшаблар

ШУНИНГДЕК,
дастурхонлар, сочиқлар,
кўл сочиқлари.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@rol.uz

VACANCY ANNOUNCEMENT

UZB/01/004, Development Support Services Programme
of the Government of Uzbekistan supported by UNDP


seeks multilingual, motivated candidates with appropriate experience for the following positions:

#	Post Title	Duration of the contract	Vacancy Announcement #
1.	Task Manager (Institutional Capacity Building of the Chamber of Accounts)		64/2004
2.	National Consultant on Human Resource Development (Institutional Capacity Building of the Chamber of Accounts)	Initially 3 months with possible extension till the end of 2004	65/2004
3.	National Consultant on Legal Development (Institutional Capacity Building of the Chamber of Accounts)		66/2004

Copies of detailed description of duties and responsibilities as well as qualifications of candidates for the above-mentioned positions are available at the reception of UNDP Country Office, 4, Taras Shevchenko Street, Tashkent and on web sites: www.uzjobs.com, www.dssp.uz

Applicants should fill in the UN Personal History Form, which is available at the reception of the UNDP Office or at <http://www.undp.uz>. Applications in sealed envelopes should be received by the Reception of UNDP Office in Uzbekistan, 4 Taras Shevchenko str., 700029, Tashkent, latest by May 19th, 2004. Applicants are requested to quote the number of vacancy announcement (see above) on the envelope. Applications from qualified women are encouraged. Only successful candidates will be contacted.

Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари



Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.

Корпоратив сотувлар: «Middle East Computers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tsstech.uz.
«SK Rest», Тошкент ш., Мусақонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-rest@tsstech.uz.
Дистрибутёрлар: «Сақоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-69-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54; «Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80, http://www.tsstech.uz.

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporationнинг АКШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.

Корхона қурилиш молларини
таклиф этади
Линолеум Россия, эни 1,5 м., 2 м.
Гулкоғоз (ОВОИ) Россия, Беларуссия, ҳархил кўринишларда
Ламинат Германия НДМ корхонасида ишлаб чиқарилган
ва бошқа қурилуш материаллари.
ТЕЛЕФОНЛАР:
(371) 136-17-12, 68-53-43, 137-48-76,
(3732) 24-82-00, 24-02-74.
Маҳсулот сертификатланган.

Корхона шина маҳсулотларини
таклиф этади

ШИНА
ЮК МАШИНАЛАР УЧУН
АВТОБУСЛАР УЧУН
ТРАКТОРЛАР УЧУН
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН
Улгуржи нархларда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
(371) 137-10-14,
137-47-78, 137-47-31,
(3732) 24-77-84, 24-71-68.
Маҳсулот сертификатланган.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ғазувичиси, "Меҳнат
шухрати" ордени соҳибдори

Карвон, йўлинг беҳатар бўлсин

Манзил яқин, иштил, карвоним,
Оғир йўлинг беҳатар бўлсин.
Юкинг қутлуғ, дардим, армоним,
Бепушаймон, бекадар бўлсин.

Шу кут замин улуг онангдир,
Унинг куйи дил таронангдир,
Кенг далалар ижодхонангдир,
Ёзганларинг шоҳ асар бўлсин.

Ёр юзини кездим, сен қадар,
Матонатда сенга баробар,
Фидойини кам кўрдим, магар,
Тупроқ олсанг олтин, зар бўлсин.

Сен эгилсанг букилар белим,
Сен қийналсанг эзилар дилим,
Баланд кўтар қаддингиз, элим,
Тоғлар билан баробар бўлсин.

Ўтган кунлар бўлмасин унут,
Ҳақни сўзла, сақлама сукут,
Парвозларинг мисоли бургут,
Истиқболнинг муқаррар бўлсин.

Сенинг фахринг олтин карвонлар —
Қанча заҳмат, орзу, армонлар,
Сенга фақат келтирсин шоғлар,
Саодатинг мунаввар бўлсин.

Осмонингда жилмаяр ҳилол,
Меҳнатларинг покиза, ҳалола,
Қандинги ур, халқим, безавола,
Фарзандларинг музаффар бўлсин.

Умр бўйи уйлаганларинг,
Достоналарда сўйлаганларинг,
Кўшиқларда куйлаганларинг,
Элим, сенга мўтабар бўлсин.



«Инсон ҳуқуқлари умум-жаҳон декларацияси», «Фундаментал ҳуқуқлар буйича халқаро пакт», «Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида декларация», «Таълим соҳасида камситишга қарши конвенция», «Бағрикенглик таъминловчи декларацияси», «Бола ҳуқуқи тўғрисида конвенция» ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни ўзида мужассам этган бошқа ўнлаб шартномалар ушбу тўпламдан жой олган. Таъкидлаш жоизки, муайян халқаро ҳужжатни имзолаган ҳар қандай давлат, табиий равишда, уни ўз ҳудудида оммалаштириш мажбуриятини олади. Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ олтидан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилган Ўзбекистон Республикаси ҳам айнан шу йўлдан бормоқда.

Гарчи инсонни улуғлаш, бугунги тил билан айтганда, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қадимул-айёмдан ўзбек халқи менталитетининг ўзагини ташкил қилиб, «инсон ҳуқуқлари» тушунчаси, собиқ шўро ҳукми остида бўлган бошқа барча мамлакатлар каби, Ўзбекистон учун ҳам нисбатан янгидир. У ҳаётимизга мустакиллик билан бирга кириб келди, дейиш ўринлидир. Чунки мустабид тузумда инсон ҳуқуқлари

Ҳар қандай соғлом саяҳат — замонавийдир, деган ҳикмат бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, энг йирик халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларига бағишланган асосий ҳужжатларини ўзида мужассам этган «Инсон ҳуқуқлари буйича халқаро шартномалар» тўпламининг ўзбек тилида нашр этилиши ўз ўрни ва вақтида амалга оширилган эзгу амалдир. Ушбу тўпламнинг яратилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеадир.

Ҳақидаги ҳар қандай ҳужжат «совет фуқароси»нинг онгини «заҳарлаш»ни кўзлаган мафкуравий кўпуровчилик сифатида баҳолаш ва уни оммалаштиришга уриниш эса, жиноят ҳисобланади. Бунга журъат этган кишиларга «диссидент» — «ўзгача фикрловчи» тамғаси


ришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Маълумки, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва плюрализмга асосланган очик фуқаролик жамияти куриш йўлидан бормоқда. Ушбу жараённинг энг биринчи талаби эса, инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашдир. Мазкур маънода тўплам мамлакатимизда кечаятган демократик жараёнларни озиқлантирувчи ва, айни пайтда, уларга қўшимча туртки беришга қодир бениҳоя фойдали манба сифатида баҳолашига ҳақли.

Инсон ҳуқуқлари қомуси

босилиб, таъқиб қилингани барчамизнинг ёдимизда. Шунинг учун ҳам бугунги жамиятимизда инсон ҳуқуқларининг халқаро мисолида эътироф этилган аниқ меъёр ва мезонлари ҳақидаги билимларга эҳтиёжнинг катталиги — табиий ҳол. Тўплам айни шу ҳаётий эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган. Албатта, халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларига бағишланган шартномалари Ўзбекистонда бундан олдин ҳам, жумладан, ўзбек тилида ҳам босилган. Лекин биратўла қирқ олти-тўртта фундаментал ҳужжатни ўзида мужассам этган бундай тўплам илк бор нашр этилмоқда. У мамлакатимизда шаклланаётган замонавий маънодаги инсон ҳуқуқларини химоя қилиш маданиятини такомиллашти-

Кургазма

Гўзалликка ошно тутининг



Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кургазма залида рессомлар кунига бағишланган катта кургазма очилди. Унда отахон мўйқалам соҳиблари билан бир қаторда ёш ижодкорлар ҳам иштирок этишмоқда.

Миллий маданиятимизнинг қайта уйғониш даврида ҳар бир санъаткор учун ўта фалсафий ва ҳаётий ғояларини тўлиқ, мустакил очиб бера олиш имконияти яратилди. Зеро, бугунги кунда янги жамият куриш ва уни маънавий юксалтириш борасида рессомларнинг масъулияти тобора ошиб бораётганлигини ҳар жиҳатдан кузатиш мумкин.

Бугунги кургазмамизни «Шахс» деб атадик. Чунки ҳар бир асар, хоҳ у рангтаъсир, хоҳ график бўлсин ёхуд ҳайкалтарошлик ижодими, халқ амалии санъати намуналарими, табиийки, унда асар муаллифининг дунёқараши, тафаккури, фақат ўзигагина хос бўлган йўналиши, аниқроғи, унинг шахси, шахсияти ҳам акс этади. Шунингдек, асарлар қандай услубда дунёга келмасин, реалистикми, сюрреалистик ёки авангардми, энг аввало, рессомнинг ички ҳис-туйғуларини, ғояларини, ва пировардида давр руҳини ҳамда жамият қарашларини-да ўзида намоён этади.

Ҳар бир инсон ўзича бекиёс бўлганидек, яратган асарлари ҳам бетакордир, аммо уларни бир нарса бирлаштириб туради. Бу унсурнинг номи — гўзалликдир!

Зотан, санъат кишиларни гўзалликка чорловчи мўъжизадир. Демак, у одамлар қалбида гўзал ҳис-туйғуларини уйғотиб қолмай, балки уларни эстетик руҳда тарбиялайди ҳам.

Марҳамат, келинг, кургазмамизни томоша қилиб, дунё-дунё завқ олинг, маънавий оламингизни янада бойитинг!

М. ФАЙЗ.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. УТБОСАРОВ,
А. ХАЙДАРОВ,
Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодийёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минақола — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибиёт — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 572,
29008 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Кўзгачи А — 2.
Офсет усулида босилган.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва Б. ФАЙЗИЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзинова.
Навбатчи — М. Жониқонов,
Мусаҳҳаф — Ш. Машраббоев.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□ — тижорат материалы.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топшириш — 21.20
1 2 3 5 6

Темпуснинг хайрли қадамлари

(Давоми. Боши 3-бетда).

Булардан ташқари, лойиҳалар доирасида Темпус дастури республикадаги вазириликлар ҳамда олий ўқув юртлири учун Европада ўқув-малака ошириш сафарларини уюштирмоқда. Жумладан, Темпус томонидан ажратилган 56 та Якка тартибдаги сафарбарлик гранти шунча микдордаги ўзбекистонлик профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларнинг Европа университетларида малака оширишда бўлишлари учун имконият яратди. Айни пайтда, Европа мамлакатларидан 6 нафар профессор Ўзбекистонда бўлиб, бу ерда илгор тажрибаларни тарқатишга бағишланган маърузалар ўқидилар ва таълимни янги андозаларда ташкил этишда қатнашдилар.

Газетхонларимиз Темпус дастури лойиҳалари тўғрисида аниқроқ тасаввурга эга бўлишлари учун уларнинг айримлари билан таништириб ўтмоқчимиз. Шулардан бири уч йиллик муддатга мўлжалланиб, яқинда, 2004 йилнинг март ойида ниҳоясига етказилган «Матадор — 2000» лойиҳасидир. 394 минг Евро сарфланган бу лойиҳанинг асосий мақсади республика олий таълим тизимига кичик тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдан иборат. Бундай малакали кадрлар Ўзбекистоннинг бозор конуниятларини асосида ривожлантиришга мўъносидаги таълим тизимини янада яқинлаштиради.

Хуллас, шу мақсадда Тошкент давлат иқтисодиёт университети (ТДИУ) базасида — республика Тоғари ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси (ТИПП) билан ҳамкорликда — кичик бизнес менежерлари ва бизнес таълимни ўқитувчиларидан танлов асосида 12 кишилик дастлабки тренер-ўқитувчилар гуруҳи тўзилиб, уларга Тошкентда европалик мутахассислар иштирокида қисқа муддатли ўқув машғулотлари ташкил этилди. Кейин бу гуруҳ аъзолари Даниянинг Хернинг коллежда ва Италиянинг Болонья университетидида ўз малакаларини янада чуқур-

лаштирилди. Айни пайтда, мазкур мамлакатлардаги кичик тадбиркорлик тажрибалари билан танишдилар. Гуруҳ аъзолари янги малака билан Ўзбекистонга қайтганда, улар Тошкентда ҳамда бешта вилоятда кичик тадбиркорлик соҳасида Европа тажрибалари бўйича бир қатор семинарлар уюштирилди. Бу семинарларда «Матадор — 2000» лойиҳасини худудларда давом эттириш бўйича фойдали таклифлар илгари сурилди.

Шунингдек, Темпус дастури бўйича «UZANETU: Ўзбекистон университети» лойиҳаси ҳам амал қилмоқда. Ушбу лойиҳанинг мақсади ахборот бошқаруви соҳасида Ўзбекистон олий ўқув юртлирининг миллий тармоғини ташкил этиб, унинг фаолиятини йўлга қўйишдир. Лойиҳанинг умумий маблағи 260135 Евро миқдорида. Ушбу лойиҳада энди УэмУ билан бир қаторда Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети, Олий мақтаб муаммолари институти, Тошкент санъат институти, Тошкент маданият институти, Иккинчи ТошМИ, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ҳам қатнашмоқда. Ушбу лойиҳа тўла амалга ошганда, санъат ўқувчи олий ўқув юртлири ўртасида фақат ахборот алмашиш изчил йўлга қўйилишига қолмай, балки ахборот алмашиш ниҳоятда фаоллашади. Бу эса таълим сифатини юқори кўтарилади.

Ўзбекистондаги олий ўқув юртлирида Темпуснинг халқаро фаолиятини такомиллаштириш дастурига хизмат қиладиган яна бир лойиҳа «DESIRE — халқаро алоқалар бўлимини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ривожлантириш» деб аталади. Лойиҳанинг умумий бюджети 297000 Евро. Лойиҳа 2003 йилнинг сентябрь ойида ўз фаолиятини бошлади. Ушбу лойиҳага мувофиқ, Фарғона водийсидаги учта олий ўқув юрти —

Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти ва Қўқон давлат педагогика институтида халқаро алоқалар бўлими замонавий талаблар даражасида ривожлантирилди.

Темпус лойиҳалари Болон жараёни деб аталган халқаро тадбир қондаларига мутлақо мос келади. Бу қандай жараён? Болон жараёни доирасида кўриб чиқилган ва амалга жорий этилган таклифлар 6 та моддада ўз ифодасини топган. Булар — олий таълимнинг икки босқичда (бакалаврлик ва магистратура босқичларида) жорий этилиши, таълим сифатини назорат қилиш, шароитга уйғунлашувни кенгайтириш ва Европа таълимнинг жозибдорлигини кўрсатишдан иборат. Болон жараёнининг бундай мақсадлари Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг талабларига ҳамроҳдир.

Темпуснинг молиявий ёрдамида республика ва Европа университетлари ўртасида бошланган шериклик алоқалари бугун ўзаро асосларда изчил давом эттирилмоқда ҳамда ҳамкорликнинг ўқитувчилар ва талабалар алмашиш, биргаликда илмий-амалий конференциялар ташкил этиш ва ўзаро илмий фаолиятини йўлга қўйиш каби шакллари ўзига хос аънамага айланди. Республикадаги университетлар Темпус дастурида иштирок этиш орқали узоқ муддатли халқаро лойиҳаларда қатнашиш тажрибаларига эга бўлмоқдалар.

Европа университетларида кадрлар бозори талабларига биноан билим сифатини назорат қилиш ва ўқув дастурларини замонавийлаштириб бориш бўйича катта тажриба тўпланган. Темпус мана шу тажрибаларни оммалаштириш ва Европада бошқа минақаларда ҳам олий таълимни мунтазам модернизациялаштириш ишига ўз ҳиссасини қўлишда давом этади.

«ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ» ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРА БОРИБ, ФИРМАМИЗ «БОЛАЛАРГА МЕХР БИЛАН» ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАДИ. ДАСТУР ДОИРАСИДА БОЛАЛАР УЧУН КАТТА СПОРТ ВА КЎНГИЛ ОЧАР ҲАМДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ, СУВ ҲАВЗАЛАРИ, КЎНГИЛ ОЧАР БОГЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИДИ.

Ўтган «Маҳалла йили» да биз «Менинг уйим — менинг маҳаллам» дастурини тайёрладик. Мазкур дастур узвий равишда болаларни соғломлаштириш ва жисмоний ривожлантиришга қаратилган «Болаларга меҳр билан» умумий дастурига кирди. Ушбу дастур бўйича 12 та уйин тизимлари ва болалар майдончалари ишлаб чиқилган бўлиб, биз уларни маҳаллалар, кўп қаватли уйларнинг ҳовлилари, боглар, Меҳрибонлик уйлари, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида жойлаштиришни тавсия этамиз.

Бу йил — Меҳр ва муруват йили. Биз бу йил учун ҳеч қандай дастур тайёрламадик, чунки кенг оммага ўзимизни кўз-қўз қиладиган тадбирларни ўтказишни хохламаймиз. Бизнингча, одамларнинг қийин аҳолидан фойдаланган ҳолда ўзини кўрсатиш (обрў орттириш) инсофдан эмас. Ахир ҳаётда содир бўладиган айрим ҳодисалар туфайли бошқаларнинг моддий ёрдамига муҳтож бўлган ҳар бир оила ёки инсон учун бу шахсий фожиадир.

Кўрсатаётган ёрдамимизни жамоатчиликка кўз-қўз қилиш, бизнингча, тўғри бўлмаса керак. Шунинг учун биз бу ишларни алоҳида ёндошган ҳолда амалга ошираемиз.

МДХдаги ишлар бўйича бош менежер
Шавели Матвеев.

УШБУ ЛОЙИХАЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ —
«ESENYA - Bau und Handellinvestition GmbH Traunreut - Deutschland» ФИРМАСИ.
МАЗКУР ЛОЙИХАЛАРНИ ҲАР БИР БОСҚИЧДА ЛОЙИХАЛАШ,
ҚУРИШ БЎЙИЧА УНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ХАЛҚАРО КОНУНЧИЛИК
ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНУНЧИЛИГИ БИЛАН ҲИМОЯЛАНАДИ.

700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

MCHJ «AL-JAXRIYA» MTP номи «O'RTAUVUL AGROTEX» MTP MCHJ га ўзгарайотганлиги ҳақида хабар беради.
Даволаш эълон қилинган кундан бошлаб 2 ой ичида қуйидаги маъна буйича қабул қилинади:
Тошкент вилояти, Занғота тумани, Уртаовула кўрғони, Фуқрат кўчаси, 1.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банкнинг Сирдарё вилояти бош бошқармаси бошлиги Алижон Иудлошевга отаси Юсуф ЙУДЛОШЕВИННГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М. САФАРОВ.